

## А Ж Р И М

2023 йил июль ойининг 5 куни жиноят ишлари бўйича Фарғона туман суди ўз биносида очик суд мажлисида;

раислик қилувчи М.Ғофуров

судья ёрдамчиси А.Иргашевнинг котиблигида, тарафлардан Фарғона туман прокурор ёрдамчиси ёрдамчиси М.Эрматов, гумон қилинувчи Р.Қорабоевни ҳимоячиси адвокат Ш.Абдураззақованинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан Қорабоев Рўзматжон Зокиржон ўғлига оид 1-1502-2302/228-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Қорабоев Рўзматжон Зокиржон ўғли, 1992 йил 5 март куни Фарғона туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, давлат мукофотлари олмаган, депутатликка сайланмаган, Фарғона тумани, Баҳор МФЙ Баҳор кўчаси 87-уйда яшайди.

Суд, гумон қилинувчи ва жабрланувчининг аризаларини муҳокама қилиб иш бўйича тўпланган далилларни суд мажлисида текшириб, қуйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И

Гумон қилинувчи Р.Қорабоев 2023 йил 6 июнь куни соат 09-00 да бошқарувидаги “Спарк” русумли давлат рақам белгили 40 V 089 JA бўлган автомашинасини Миндон МФЙ ҳудудида бошқариб кетаётиб, “Йўл ҳаракати қондиси”ни 77-бандида “ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситасини белгиланган чекланган тезликдан оширмасдан бошқариши, ҳаракатланишда, ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятида бўлган хавф ёки тўсик, пайдо бўлса, у транспорт воситасининг тезлигини тўла тўхтатишини таъминлайдиган даражада камайтириш ёки тўсикни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавфсиз айланиб ўтиш чораларини кўриши керак” деб кўрсатилган талабларини қўпол равишда бузиб йўлни кесиб ўтаётган жабрланувчи Махмуджонов Мухторжон Иброхимовични уриб юбориб, йўл транспорт ҳодисаси содир этган.

Судга оид тиббий экспертизанинг 2023 йил 12 июндаги 3769-сонли хулосасида, М.Махмуджоновда ёпиқ краниовертеброталпар жароҳати: пешона суягини чап томонидан чизиқли синиш, синиқ чизиғи калла асосига ва юз суякларига ўтиши, бош мия тўқимасини лат ейиши, чап ярим шарининг пешона бўлагини юз микдордаги эпидурал гематомаси, юз суякларни синиши, 5-бўйин умуртқа ўсиғини синиши, бўйин умуртқалари бойламларни чўзилиши ва лат ейиши, пешона ўрта қисми ўнг кўз ички



бурчаги, бурун ва ияк ўрта қисмини лат еган яралари, иккала қош ўрта қисми, бурун ўнг томони юз соҳаси, оғиз ўнг бурчаги, бел ва иккала болдир соҳалари шилинмалари, иккала кўз ковоқларни қон талаши аниқланиб, ушбу тан жароҳати хаёт учун хавфли бўлган оғир шикастлар тоифасига киришлиги аниқланган.

Жабрланувчи М.Махмуджонов судга ариза билан мурожаат қилиб, гумон қилинувчи Р.Қорабоев билан ихтиёрий равишда ярашиб олганлигини, моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, гумон қилинувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, ҳеч ким тазйиқ ўтказмаганлигини, ярашув оқибатлари тушунтирилганлигини билдириб жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Гумон қилинувчи Р.Қорабоев судга ариза билан мурожаат қилиб, айбига тўлиқ иқрорлигини, чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар билан ихтиёрий равишда ярашиб олганлигини, моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, ярашув оқибатлари тушунтирилганлигини билдириб жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 66<sup>1</sup>-моддасида “Ушбу Кодекс 266-моддасининг биринчи қисмида (транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш) назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.” деб кўсратилган.

Суд, гумон қилинувчи Р.Қорабоев, жабрланувчи М.Махмуджоновни ярашув аризалари ҳамда иш ҳужжатларини ўрганиб, прокурор ёрдамчиси ёрдамчиси М.Эрматов ва ҳимоячи Ш.Абдураззақоваларнинг жиноят ишини ярашув асосида тугатиш ҳақидаги фикрларини тинглаб, жиноят ишини тугатиш учун монелик қилувчи ҳолатлар мавжуд эмаслиги боис томонларни ярашганлик ҳақидаги аризаларини қабул қилиб жиноят ишини тугатишни лозим топади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 585-586-моддалари амал қилиб

## А Ж Р И М Қ И Л А Д И

Қорабоев Рўзматжон Зокиржон ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан 66<sup>1</sup>-моддасига асосан жинойий жавобгарликдан озод қилинсин.

Қорабоев Рўзматжон Зокиржон ўғлига нисбатан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан айбилик масаласи ҳал қилинмасдан тугатилсин.

Суднинг ажримига гумон қилинувчи, жабрланувчи, ҳимоячи томонидан хусусий шикоят берилиши ҳамда прокурор ёрдамчиси томонидан хусусий протест келтирилиши мумкин.

Раислик қилувчи

М.Ғофуров

нусхаси аслига тўғри

